

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01/10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АРУСТАМЯН ЯНА ЮРЬЕВНА

БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК
АСОСЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент 2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral (DSc) dissertation

| | |
|--|----|
| Арустамян Яна Юрьевна Бадиий таржиманинг когнитив-прагматик асослари..... | 3 |
| Арустамян Яна Юрьевна Когнитивно-прагматические основания художественного перевода..... | 38 |
| Arustamyan Yana Yurevna Cognitive-pragmatic grounds of literary translation | 73 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 78 |
| Илова Приложение Appendix..... | 80 |

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01/10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АРУСТАМЯН ЯНА ЮРЬЕВНА

БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК
АСОСЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Fil316 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ашурова Дилярам Умаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Хошимов Ганижон Мирзаахмедович
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмом қизи
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Форбий кўчаси, 400. Тел:(99871)246-08-62; факс:(99871)246-65-21,e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филологияси факультети (1-қават, 106-аудитория)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4. Тел: (99871) 246-08-62, факс (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

И.А.Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида таржима фақатгина белгиларни механик трансформациялаш эмас, балки матнга жойланган ғоя ва чуқур мазмунларни ҳам қайта яратиш жараёни бўлганлиги учун ҳозирги кунда таржима ҳамда таржимашунослик муаммолари батамом янгича ёндошувлар амалга оширилишини талаб этмоқда. Бадиий таржима эса ҳар доим ўз маънодорлиги туфайли тадқиқотчилар эътибори марказида бўлган: таржима фан ёки санъатлиги ҳақидаги абадий масала шу кунгача тугал бир ёқлама жавобга эга эмас, шунинг учун, бадиий таржима соҳасидаги изланишлар ҳар доим фанлар кесимида олиб борилади, чунки матн яратиш ва уни идрок этишининг турли жиҳатлари билан боғлиқ бўлган муаммолар фақатгина тилшуносликда эмас, балки психолингвистика, адабиётшунослик, чет тилларини ўқитиш методикаси, мулоқот назарияси каби бошқа фан соҳаларида ҳам ишлаб чиқилиши керак.

Дунё таржимашунослигида социолингвистика, когнитив лингвистика, когнитив стилистика, лингвопрагматика, лингвомаданиятшунослик каби бошқа лингвистик ва фанлараро йўналишлар пайдо бўлиши натижасида тилшунос олимлар кўйиши керак бўлган муаммолар кўлами кенгайди, таҳлил қилиш қуроллари сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, чет давлатларда бажарилган бадиий матнга оид кўплаб тадқиқотлар доирасида ҳар бир лингвистик маданиятдаги концептуал тил воқеликларини аниқлаштиришга ёрдам берувчи когнитив ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда амалга оширилаётган, инсоннинг қамраб олган воқеликларни англаш жараёнлари ва уларни табиий тилларда қайта тақдимот қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар ишлаб чиқиляётганлиги кузатилмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда бу каби изланишлар энг юқори даражада қўллаб қувватланилмоқда, зеро, муваффақиятли тарзда амалга оширилган маданий алоқалар (ҳозирги кунда таржимага шундай ном ҳам берилмоқда) фақатгина тилшунослик билимларига боғлиқ бўлмайди. Бадиий таржима муаммолари муҳокамасига бағишланган ҳалқаро анжуман қатнашчиларига юборган табрикномасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев бадиий таржима ижоди мактабларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаган ҳолда: “Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўляётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда” – деб ёзган.¹ Шу маънода, айнан таржиманинг оригинал асарни кўзгудаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Актуальные вопросы изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы <https://president.uz/ru/lists/view/1926>

сингари акс эттирувчи “иккинчи” реаллик ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда муаллиф томонидан илк матнда битилган барча яширин маъноларни сақлаб қолиш, оригинал матн ва мавжуд бўлган бошқа ресурсларни талқин қилишнинг объектив мезонларини ишлаб чиқиш зарурияти мазкур диссертация тадқиқотининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 06 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини давомли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ 576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” Қонуни, шунингдек, ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларининг шарҳи.

Ҳозирги вақтда бадиий таржима бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий ва таълим марказларида олиб борилмоқда. Улар қаторида қуйидаги марказларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур: Centre for Translation and Intercultural Studies (University of Manchester), International Association of Translation and Intercultural Studies, British Centre for Literary Translation, Trinity Centre for Literary and Cultural Translation (Trinity College Dublin), CAS World Languages & Literatures, Centre for Translation and Textual Studies (Dublin City University), University of Leeds, University of Portsmouth, Hellenic American University, Swansea University, University of East Anglia, М.Ломоносов номли Москва Давлат Университети қошидаги олий таржима Мактаби, Морис Торез номли Москва Давлат Лингвистика Университети, ва шунингдек мамлакатимиздаги университетлар: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

Шу кунгача таржиманинг матн, прагматик ва семиотик эквивалентликлиги масалалари (Centre for Translation and Intercultural Studies (University of Manchester), International Association of Translation and Intercultural Studies), таржимада маданиятни қайта яратишнинг (репрезентациялашнинг) ҳусусий масалалари (Centre for Translation and Textual Studies) ўқиб ўрганилганлигини, бадий дискурснинг когнитив ва прагматик ҳусусиятларининг аниқланганлигини (Lancaster University, University of Edinburgh), дискурс(мантикий фикрлаш)нинг прагматик интенцияларининг ҳусусиятлари ва таржимачилик компетенцияларининг аниқлаштирилганлиги (Barcelona University), дискурснинг ижтимоий-лингвистик жиҳатлари кўриб чиқилганлиги, (University of Toronto), бадий дискурснинг (мантикий фикрлашнинг) семантик-стилистик жиҳатларининг таҳлил қилинганлиги (Afyon Kocatepe University), таржима сифати (Hellenic American University) ва умуман бадий таржимани баҳолаш (British Centre for Literary Translation, Trinity Centre for Literary and Cultural Translation, CAS World Languages & Literatures) муаммолари, таржиманинг лингвомаданий ҳусусиятларининг (University of Leeds) ишлаб чиқилганлиги, француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив фразеологизмларнинг умумий (универсал) ва миллий ҳусусиятлари аниқлаштирилганлиги, француз ва ўзбек тиллари материали асосида концептуал метафорани таржима қилишнинг ўзига хос ҳусусиятлари кўриб чиқилганлиги (Ўзбекистон миллий университети), антропоцентрик парадигма нуқтаи назарида қаралган бадий дискурснинг моҳиятининг аниқланганлиги, инглиз тилидаги бадий матнда илгари суриш воситаларини амалга оширишнинг умумий когнитив-стилистик потенциалининг аниқланганлиги, бадий матнда дунёнинг миллий-маданий тасвирини акс эттиришнинг лексик воситаларининг аниқлаштирилганлиги (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), ўзбек ва турк тиллари материалида паремиологик бирикмаларни таржима қилиш тамойилларининг аниқланганлиги (Тошкент ўзбек тили ва адабиёти университети) каби ютуқларни таъкидлаш мумкин.²

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Бадий таржима муаммолари қадимги даврлардан буён ўрганилган ва узоқ вақт давомида адабий таҳлил доираларида қолиб кетган эди. Бироқ, таржиманинг лингвистик назариясини ривожланиши натижасида тилнинг табиатига асосланган лингвистик материалга таянган ҳолда бадий матннинг пайдо бўлиши ва унинг идрок этилишини ўрганиш бадий асар матнининг типологик ҳусусиятларини ишлаб

² Шаҳх қуйидаги манбалар асосида тақдим этилди: www.edu.uz, academia.edu, www.cognitivelinguistics.org, www.uk-cla.org.uk, www.pala.ac.uk, www.stylistique-anglaise.org, www.ralk.info, www.lancaster.ac.uk, www.unige.it, www.herzen.spb.ru, www.onu.edu.ua, www.gla.ac.uk, www.ualberta.ca, www.uva.nl, www.msu.ru, www.linguanet.ru, <https://www.msu.ru/info/struct/dep/perevod.html>, <http://www.bclt.org.uk/>, <https://www.tcd.ie/literary-translation/>

чиқиш имконини яратди. Бадиий матн ҳусусиятлари ва унинг таржимаси муаммоларини тадқиқига оид анъанавий ёндошилган илмий тадқиқотлар орасида М.П.Брандес, В.В.Виноградов, И.Р.Гальперин, Г.В.Колшанский, В.А.Кухаренко, Ю.М.Лотман, Ю.М.Скребнев, Я.И.Рецкер, А.В.Федоров, А.Д.Швейцер, Г.Т.Саломов, Н.Отажонов, Г.Хўжаев, Р.Файзуллаева, М.Сулайманов, Richard W.Bailey, N.E.Enkvist, H.A.Hatzfeld ва бошқаларнинг илмий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.³ Янги лингвистик йўналишларнинг ривожланиши натижасида бадиий матн назарияси когнитив (Е.С.Кубрякова, Н.Н.Болдырев, З.Д.Попова, И.А.Стернин, Е.А.Огнева, Д.У.Ашурова, Н.М.Джусупов, J.Lakoff, J.Fauconnier, R.Langacker, W.Croft)⁴, лингвомаданий (В.А.Маслова, Н.Ф.Алефиренко, В.И.Карасик, В.И.Шаховский, В.В.Воробьев, У.К.Юсупов, А.Э.Маматов, М.Р.Галиева)⁵, прагмалингвистик (Э.С.Азнаурова,

³ Брандес М.П. Стиль и перевод. – М.: Высшая школа, 1988. – 130 с.; Виноградов В.В. О языке художественной прозы. – М.: Наука, 1980. – 360 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 140 с.; Колшанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980. – 154 с.; Кухаренко В. А. Интерпретация текста. – М.: Просвещение, 1988. – 192 с.; Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – М.: Искусство, 1970. – 387 с.; Скребнев Ю.М. Очерк теории стилистики. – Горький: Горьковский государственный педагогический институт иностранных языков, 1975. – 174 с.; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика: Очерки лингвистической теории перевода. – М.: Международные отношения, 1974. – 216 с.; Федоров А.В. О художественном переводе. – Л.: Гослитиздат, 1941. – 260 с.; Федоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – М.: Высшая школа, 1983. – 303 с.; Швейцер А.Д. Теория перевода. – М.: Наука, 1988. – 215 с.; Саломов Ф. Адабийанъанавабадиийтаржима. – Тошкент: Фан, 1980. – 158 с.; Саломов Г. Основы теории перевода. Т.: Ўқитувчи, 1990; Отажонов Н. Художественный перевод и научное комментирование (на материале переводов «Бабур-наме»). Дисс... канд.филол.наук. – Т., 1978; Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1985. – 20 с.; Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1972. – 22 с.; Сулайманов М. Опыт научного обобщения проблем художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1974. – 22 с.; Bailey R.W. English Stylistics. – The MIT Press, 1968. – 198 с.; Enkvist N.E. Style and text. – Stockholm: Skriptor, 1975. – 441 с.; Hatzfeld H.A. A Critical Bibliography Of The New Stylistics Applied To The Romance Literatures 1953-1965. // Comparative Literature. V. 37, 1966. 184 с.

⁴ Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. Т.1. – М., 2001. – С.72-81; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную лингвистику. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им.Г.Р.Державина, 2014. – 236 с.; 126. Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж, 2001. – 189 с.; Огнева Е.А. Когнитивное моделирование концептосферы художественного текста. – М.: Эдитус, 2013. – 282 с.; Ашурова Д.У. Дискурсивно-когнитивная синергетика слова // Вестник Национального университета Узбекистана. – Тошкент, 2015, - №1/3, – С.173-178; Ashurova D.U. Cognitive Linguistics. – Т.: VneshInvestProm, 2018. – 160 с.; Джусупов Н.М. Когнитивно-стилистические основы выживания в англоязычном художественном тексте. Дисс... докт.филол.наук. – Ташкент, 2020. – 206 с.; Lakoff G. Johnson M. Metaphors we live by. – Chicago: University of Chicago Press, 1980. – 242 с.; Fauconnier G. Mappings in Thought and Language. – Cambridge: Cambridge University Press, 1997. – 205 с.; Langacker R.W. Foundations of Cognitive Grammar Vol. II: Descriptive Application. – California: Stanford University Press, 1991. – 628 с.; Jackendoff J.R. Semantics and Cognition. – Cambridge: MIT press, 1983. – 178 с.; Croft W., Cruse D.A. Cognitive linguistics. – Cambridge: CUP, 2004. – 374 с.

⁵ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Издательский центр «Академия», 2010. – 208 с.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб. пособие. – М.: Флинта, 2010. – 224 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – 477 с.; Шаховский В.И. Эмоции: долингвистика, лингвистика, лингвокультурология. – М.: URSS, 2009. – 124 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.; Юсупов Ў.К. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуре атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. – С. 49-55; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳиятини мада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. –

М.Макаров, А.А.Абдуазизов, Н.Нормурадова, G.Leech, S.C.Levinson, T.vanDejk, Ch.Fillmore)⁶ ёндошувлар асосида бойиб борди.

Шунингдек, лингвистикадаги янги ёндошувлар таржима лингвистик назариясининг ривожланишига салмоқли хисса қўшди ва бу борадаги тадқиқотларда тилнинг бевосита лингвистик хусусиятлари ҳамда оригинал тил ва таржима тили ўртасидаги фарқларгагина эмас, балки аслият матнининг прагматик имкониятлари ва концептуал яхлитлигини таржимада қайта тиклашга таъсир этувчи экстралингвистик омилларга ҳам эътибор кучайди. Хусусан, қуйидаги жиҳатлар кўриб чиқилди: таржиманинг когнитив жиҳатлари (А.Н.Злобин, Ш.С.Сафаров, Р.Х.Ширинова, Н.Г.Валеева, V.Lyan, M.Deckert,⁷ таржиманинг прагматик хусусиятлари (M.Baker, J.Boase-Beier, I.Colenciuc)⁸, бадиий матнларнинг лингвомаданий жиҳатлари (Ю.Н.Марчук, О.Ковалева, J.House)⁹. Бироқ, таржимада муҳим имплицит ахборотнинг сақланиши ва қайта тикланишига асос бўлувчи когнитив-прагматик жиҳатларнинг комплекс тадқиқи бугунги кунгача амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Турли тизимли тилларнинг лингвистик ва типологик хусусиятлари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матннинг адекватлиги муаммосига қаратилган когнитив лингвистика, лингвопрагматика ва лингвомаданиятшуносликка хос янги ёндошувларни асослашдан иборат.

Анджон, 2012. – С. 212-220.; Галиева М.Р. Отражение мифолого-религиозного сознания в языковой картине мира: автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Фергана, 2019. – 77 с.

⁶ Азнаурова Э. С. Прагматика художественного слова. – Т.: Фан, 1988. – 124 с.; 102. Макаров М. Основы теории дискурса. – М.: Гнозис, 2003. – 280 с.; Ashurova D.U. Textlinguistics. – Toshkent: TafakkurQanoti, 2012. 204 с.; Нормурадова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Т., 2020; Leech G. Principles of pragmatics. – Routledge, 1983. – 264 с.; Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: CUP, 1983. – 438 с.; van Dijk T.A. Studies in the pragmatics of discourse. – The Hague etc.: Mouton, 1981.-331 с.; Fillmore Ch. Frames and the Semantics of Understanding // Quaderni di Semantica. V. 6. 1985. – С. 222–254

⁷ Злобин А.Н. Перевод в когнитивном формате знаний. – Саранск: Издательство Мордовского университета, 2012. – 152 с.; Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Т.: Наврўз, 2019. – 299 с.; Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши: автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Т., 2017. – 56 с.; Валеева Н.Г. Теория перевода: культурно-когнитивный и коммуникативно-функциональный аспекты. – М.: Российский университет дружбы народов, 2016. – 244 с.; Lyan V. Cognitive aspects of translation // Language, Individual & Society. Vol.12. 2018. – С. 99-107; Deckert M. Translation and cognition: cases of asymmetry // Research in Language. Vol.15:2. 2017. – С. 119-129;

⁸ Baker M. In other words: A course book on translation – London, 2018. – 390 с.; Boase-Beier J. A Critical Introduction to Translation Studies. – London: Continuum, 2011. – 187 с.; Colenciuc I. Challenges of literary translation: pragmatic approach // Intertext. 2015. V. 34. №1-2. – С. 128-132.

⁹ Марчук Ю.Н. Модели перевода. – М.: Издательский центр. «Академия», 2010. – 177 с.; Ковалева О.Н., Варзакова Е.А. Лингвокультурологические особенности перевода художественного текста // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Том 12, выпуск 11. – Тамбов: Грамота, 2019. – С. 400-404; House J. Translation as Communication across Languages and Cultures. – Routledge, 2015. – 168 с.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бадий асарнинг бадий таржима нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган параметрлар ва тавсифларни аниқлаштирган ҳолда бадий матнни таҳлил қилиш бўйича мавжуд бўлган ёндошувларни умумлаштириш;

адекват таржимага эришишга таъсир этувчи когнитив, прагматик ва лингвомаданий омилларни ҳисобга олган ҳолда битта бадий асарнинг бир нечта таржимаси вариантларини қиёсий-чоғиштира таҳлилинини ўтказиш;

бадий матнни таржима қилишдан олдин олиб борилувчи таҳлилнинг когнитив моҳияти ва унинг бадий таржима жараёнида амалга оширилишини аниқлаш;

“адекватлик” ва “эквивалентлик” тушунчаларини бадий таржиманинг сифатини баҳоловчи асосий тамойиллар сифатида фарқлаш ;

матн билан ишлашда таржимага киришишдан олдин олиб борилувчи босқичда бадий матннинг асосий муаммолари ва унинг прагматик таҳлили тамойилларини аниқлаш ҳамда бадий матннинг прагматик адекватлигини баҳолаш мезонлари ва бадий асар прагматик контекстини параметрлаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

бадий асар когнитив контекстининг аслият тили ва таржима тили матнларида уларнинг концептуал яхлитлигини қайта тиклашга таъсир этувчи параметрларини аниқлаш, бадий матнда борлиқнинг концептуал тасвирини юзага чиқарувчи тил бирикмаларини таржима қилиш жараёнида концептуал ва фрейм-таҳлилнинг муҳимлигини асослаш;

тил бирикмаларини бадий матннинг концептуал яхлитлигини қайта тақдим эта олувчилари сифатидаги концептуал ва маданий аҳамиятини исботлаш;

таржима матнида аслият матнининг прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларини сақлаб қолишга асосланган бадий матн таржимаси таҳлилининг комплекс методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг иккинчи ярми инглиз бадий адабиёти аслият ва таржима матнлари материали бўлган бадий матнларнинг концептуал аҳамиятга эга фрагментлари ҳамда уларнинг таржимадаги қайта яратилиши танланган.

Тадқиқотнинг предмети бадий таржиманинг адекватлигини таъминловчи коммуникатив-прагматик, когнитив ва маданий омиллар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тасвирлаш, қиёсий-чоғиштира, маънони излаш, контекстуал, параметризация, статистик таҳлил каби анъанавий лингвистик усуллар, ва шунингдек когнитив лингвистика, прагмалингвистика ва лингвомаданиятнинг янги методлари бўлган фрейм, кросс-маданий, коммуникатив-прагматик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ахборот-концептуал, эстетик-экспрессив, образли, прагматик, когнитив, лингвомаданий қатламлардан иборат бадий асарнинг таржимаси таҳлили жараёнида муҳим бўлган бадий матнга хос кенг қамровли контекстнинг

ахборотни қайта тақдим этиш характери ҳамда прагматик вазиятни юзага чиқариш даражаси каби асосий параметрлар далилланган;

эквивалентликнинг тил бирликларининг фонетик, лексик, грамматик ва стилистик каби лингвистик даражада мувофиқлигини, адекватликнинг эса ҳам лингвистик даражада, ҳам прагматик, когнитив ва маданий контекстлар воситасида амалга оширилувчи экстралингвистик даражада мувофиқлигини ифодалаши исботланган;

бадий матн таржимонининг ўзига хос тил эгаси сифатидаги лингвокреативлик, идиолект каби лингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий, маърифий, когнитив, маданий, гендер каби экстралингвистик омиллар билан шартланилганлик даражаси бўйича параметрлаштириш асосланган;

бадий асар прагматик контекстининг вазият, интенционалик, муаллиф модаллиги (ифода мазмунига нисбатан муносабатдорлиги), муаллиф, персонаж ва таржимон тилларининг ўзига хослиги, ҳаракатнинг турли кўринишлари каби омилларни қамраб олувчи параметрлаштириш тамойиллари далилланган;

бадий асарнинг концептуал яхлитлигини қайта тиклашга таъсир этувчи концептуал ахборотнинг белгилари, шунингдек, уларни аслият ва таржима матнларида юзага чиқариш воситалари ва инферент билимларни қўлга киритиш ҳамда таржиманинг адекватлилигига эришиш учун концептуал ва фрейм-таҳлилнинг мувофиқлиги асосланган;

бадий асарнинг концептуал яхлитлигини қайта яратишда лингвомаданий ахборотнинг аҳамияти, яъни, муаллифлик талқинида лингвомаданий концептларнинг қўшимча коннотацияларга эга бўлиши ва бу ҳолат таржимондан дастлабки концептуал таҳлилни ўтказиш ҳамда асарнинг лингвистик ва экстралингвистик контекстида мумкин бўлган барча концептуал алоқаларни аниқлаштиришни талаб этиши далилланган;

бадий матн таржимаси таҳлилининг аслият матнининг прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларининг ўзаро мослашуви ва мазкур мочлашувни таржима матнида ҳам сақлаб қолишга оид таклифларга асосланган комплекс методикаси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

бадий дискурсга хос кенг қамровли контекстнинг асослари бўйича ишлаб чиқилган типология контекст назариясига қўшимча сифатида ҳизмат қилиши ва, шунингдек, дискурс-таҳлил ва прагмалингвистика назариясининг ривожланишига маълум ҳисса қўшиши аниқланган;

бадий матннинг таржима таҳлили бўйича ишлаб чиқилган жараён тартиби бадий асарнинг концептуал жиҳатдан аҳамиятлилиги, лингвистик воситалар ёрдамида вербаллаштирилганлиги, матнни таржима қилишдан олдин таҳлил қилиш жараёнида янада чуқурроқ тақдим этиш сигнали ҳисобланувчи унсурларга алоҳида урғу бериши асосланган;

концептуал ахборотнинг белгиларини аниқлаштириш билан боғлиқликда олинган натижалар таржиманинг когнитив назариясининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиши исботланган, яъни, матнда уни қайта тақдим

этилишининг муҳим омили когнитив контекст ва билимлар тузилмаси эканлиги аниқланган;

бадий асарнинг концептуал яхлитлигини қайта яратишда лингвомаданий ахборотнинг ўзига хос аҳамиятига оид хулосалар ва лингвомаданий ахборотга эга бўлган санъат атамаларининг адекват таржимаси муаммолари бўйича амалий тавсиялар асосида “Milliy amaliy va tasviriy san’at atamalarining qisqacha o’zbekcha/ruscha/inglizcha izohli lug’ati” (патент №DGU 20200711) электрон луғати тузилган;

тадқиқот олиб борилишида ишлаб чиқилган тавсиялар бадий таржима билан шуғулланаётган таржимонлар учун амалий қўлланма бўла олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлиллар натижасида қўлга киритилганлиги, шунингдек, умумий эътирофга сазовор бўлган илмий концепциялар ва ёндошувларга асосланган назарий ва амалий материалларнинг катта ҳажми кўриб чиқилганлиги; юқори импакт-факторга эга мамлакат ва халқаро журналларда, шунингдек Scopus рўйхатида кирган журналларда илмий иш натижаларининг чоп этилганлиги; тадқиқот олиб борилиши давомида олинган натижалар ва тавсияларнинг фундаментал-инновацион ва амалий лойиҳаларга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг янги йўналиш – таржиманинг когнитив назариясига аҳамиятли ҳисса қўшганлиги, янги йўналишнинг вазифалари бевосита лингвистик контекстга таянган ҳолда ва билимлар тузилмасининг турли типларини қамраб олувчи ва бадий таржима жараёнида жуда муҳим, кўп ҳолларда асосий ўрин тутувчи когнитив-прагматик омилларни ҳисобга олган ҳолда таржима ечимларни топишдан иборат эканлиги, бинобарин, “адекватлик” ва “эквивалентлик” атамаларини ўзаро фарқлаш бадий асарда мавжуд бўлган контекстнинг барча тўртта турларини ҳисобга олган ҳолда таржима сифатининг муҳим мезонларини аниқлаб бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларини лингвистика ва таржимашуносликнинг замонавий йўналишлари бўйича янги ўқув материалларини филологик олий ўқув юртларида “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Қиёсий типология”, “Прагмалингвистика”, “Стилистика”, “Когнитив лингвистика”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Дискурс таҳлили” каби фанларнинг ўқитилиши жараёнига тадбиқ этилиши, шунингдек, тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсиялар “Таржима назарияси ва амалиёти” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар ва таржимонлар учун амалий йўриқнома сифатида ҳам қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий матн таржимасининг когнитив-прагматик асосларини тадқиқот қилиш жараёнида олинган назарий ишланмалар ва амалий натижалар асосида:

ахборот-концептуал, эстетик-экспрессив, образли, прагматик, когнитив, лингвомаданий қатламлардан иборат бадий асарнинг таржимаси таҳлили жараёнида муҳим бўлган бадий матнга хос кенг қамровли контекстнинг ахборотни қайта тақдим этиш характери ҳамда прагматик вазиятни юзага чиқариш даражаси каби асосий параметрларга оид хулосалардан ОТ-Ф1-89 “Авесто: энциклопедик луғат” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 89-01-984-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида “Авесто” атамашунослигини таржима қилиш ва уни энциклопедик матнга киритиш учун қўланилган маданий, диний ва мифологик коннотацияли ҳамда концептуал аҳамиятга эга бўлган сўзлар таржимаси таҳлиliga оид метод ва тамойилларнинг самарадорлигини аниқлашга эришилган;

эквивалентликнинг тил бирликларининг фонетик, лексик, грамматик ва стилистик каби лингвистик даражада мувофиқлигини, адекватликнинг эса ҳам лингвистик даражада, ҳам прагматик, когнитив ва маданий контекстлар воситасида амалга оширилувчи экстралингвистик даражада мувофиқлигини ифодалаши борасидаги хулосалардан 56-01/10 “Innovative opportunities of the catalog (in five languages) “The Pilgrimage places of Uzbekistan” in the popularization of historical monuments” Ўзбекистон-Франция халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Франция ва Ўзбекистон Ҳамдўстлиги Жамиятининг 2021 йил 24 июндаги 72-сон маълумотномаси). Натижада бешта тилда, шу қаторда инглиз ва рус тилларида, “Pilgrimage places and sacred shrines in Uzbekistan” номли каталоги чоп этилган, ушбу каталогни Ўзбекистоннинг маънавий-маданий қадриятларининг адекват таржимаси бўйича тавсиялар билан бойитишга эришилган.

бадий матн таржимонининг ўзига хос тил эгаси сифатидаги лингвокреативлик, идиолект каби лингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий, маърифий, когнитив, маданий, гендер каби экстралингвистик омиллар билан шартланилганлик даражаси бўйича параметрлаштиришга оид хулосалардан Эрасмус+UNICAC 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP “University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China” халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 89-01-984-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳада бадий матн таржимасининг лингвомаданий жиҳатлари, шунингдек, маданиятлараро коммуникацияни шакллантиришда бадий таржиманинг аҳамияти билан боғлиқ бўлган назарий ишланмаларни бойитишга эришилган;

бадий асар прагматик контекстининг вазият, интенционаллик, муаллиф модаллиги (ифода мазмунига нисбатан муносабатдорлиги), муаллиф, персонаж ва таржимон тилларининг ўзига хослиги, ҳаракатнинг турли кўринишлари каби омилларни қамраб олувчи параметрлаштириш тамойилларига оид хулосалардан Эрасмус+585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHT-JP “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” халқаро

лойихасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 ноябрдаги 89-01-984-сон маълумотномаси). Натижада “Компьютер лингвистикаси” мутахассислиги бўйича магистратура бўлими учун ёзма матн семантикаси ва прагматикаси билан боғлиқ бўлган янги фан дастурларини такомиллаштиришга эришилган;

бадий асарнинг концептуал яхлитлигини қайта тиклашга таъсир этувчи концептуал ахборотнинг белгилари, шунингдек, уларни аслият ва таржима матнларида юзага чиқариш воситалари ва инферент билимларни қўлга киритиш ҳамда таржиманинг адекватлигига эришиш учун концептуал ва фрейм-тахлилнинг мувофиқлигига оид хулосалардан Ўзбекистондаги Рус маданий марказининг “Тил ва адабиёт ўқитилишидаги янги технологиялар” илмий-амалий семинари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Рус маданий марказининг 2021 йил 20 октябрдаги 02-101-сон маълумотномаси). Натижада бадий таржима жараёнида маданий-релевант (ўзгарувчан) ахборотни сайқаллаш мисоллари тақдим этилган, бу каби мисолларнинг батафсил кўриб чиқилиши ва таҳлили инглиз тилидан рус тилига ноадекват таржима қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва таржима жараёнида бадий асарнинг концептуал яхлитлигини сақлаб қолиш имкони яратилган;

бадий матн таржимаси таҳлилининг аслият матнининг прагматик, когнитив ва лигвомаданий хусусиятларининг ўзаро мослашуви ва мазкур мочлашувни таржима матнида ҳам сақлаб қолишга оид таклифларга асосланган комплекс методикаси борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалда “Мавзу”, “Этно” ва “Такдимот” кўрсатувларини яратишда қўлланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 июндаги 02-13-1017-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот илмий натижаларини тадбиқ этиш орқали телекўрсатувлар сценарийсини самарали ёзиш ҳамда уларни умумий илмий ва маданий-маърифий мазмун билан бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия этилган илмий журналлардаги 11 та мақола, шу жумладан, республика миқёсидаги журналларда 7та мақола ва хорижий илмий журналларида 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 230 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг республика фан ва технологияларнинг устивор йўналишлари билан алоқадорлиги асосланган, тадқиқот мавзуси бўйича чет эл ва мамлакат адабиётларининг шарҳи келтириб ўтилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотда қўлланилган методлар кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асослаб берилган, диссертация ишининг тадбиқ қилинганлиги, чоп эттирилганлиги, апробацияси ва тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Бадий матн замонавий таржимашунослик объекти сифатида**» деб номланган бўлиб, унда лингвистик адабиётнинг танқидий таҳлили материали асосида бадий матнни таржима объекти сифатида ўрганилишининг мураккабликлари ва бадий асарнинг серкирралик жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинишининг бошланғич назарий қоида ва ёндошувлари аниқланган.

Бадий матннинг ўзига хос ажралиб турувчи хусусиятлари сифатида унинг эстетик жиҳатдан аҳамиятли бўлиши ва стилистик потенциалга эга бўлишини, имплицитлик ва образлилик, коммуникатив-прагматик йўналтирилганликнинг юқори даражада бўлиши ва субъектга баҳо бериш характериға эга бўлиши орқали аксиологик ва антропоцентрик хусусиятларни касб этиши, матнни тузилмалаш даражасидан юқорироқ даражаларда амалга оширилувчи концептуал жиҳатдан яхлит бўлиши ва бу яхлитлик китобхоннинг индивидуал когнитив тажрибасига таянувчи маълум сигналлар ёки кўрсаткичлар (маркерлар) воситасида ҳам изоҳланиши, тил белгиларининг прагматик, когнитив, лингвомаданий контекстлар воситасида очиб берилувчи контекстуал боғланувчанлигини, борлиқнинг универсал ва индивидуал тасвири билан боғлиқ равишда тасаввур этилиш хусусиятиға эга бўлишини, тил жиҳатидан ташаббускорлигини, ижтимоий-маданий ва идеологик шартланганлигини, тақдимот қилиниши бўйича кўп маънолик ва энтропияни келтириб чиқарувчи вариантдорлиги кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Шу аснода, тадқиқот давомида бадий матнни таҳлил қилиш ва уни тақдим этишнинг анаъанавий усуллари қатори лингвопрагматика, когнитив лингвистика ва лингвомаданиятшунослик каби лингвистиканинг янги йўналишларига оид ёндошувлар ва методлар билан тўлдирилди. Таъкидлаш жоизки, бадий белги функцияси тил бирлиги доираларидан ажралиб чиқади ва бу фақатгина маълум бир маъноларни юзага чиқариб бериш воситасигина эмас, балки ёзувчи, таржимон ва китобхонларнинг барчасининг тажрибасига, яъни асарнинг муаллифи томонидан ижтимоий-маданий контекстни лингвистик бирикмалар воситасида юзага олиб чиқилган маълум бир сигналлар кўринишида қайта юзага чиқарувчи ва дунёни идрок этишнинг акс эттирилиши бўлиб ҳисобланувчи тажрибасига таянган ҳолда улар ўртасидаги когнитив-прагматик муносабатларни мувофиқлаштирувчи вазифасини ҳам

бажаради. Китобхон нуқтаи назарида бу воқелик, яъни муаллифлик нуқтаи назаридан ёритиб берилган воқелик ўз тажрибасидан келиб чиқилган ҳолда тўлдирилиши ва “тўлиқ идрок этилиши” мумкин.

Шу тариқа, бадиий матн эстетикаси ҳам соф лингвистик даража билан, ҳам яқунда бадиий асарнинг концептуал тузилмасини шакллантирувчи экстралингвистик воқеликларнинг бутун мажмуи билан шартланилади. Демак, бадиий матннинг таржимаси таҳлили давомида тилнинг тақдимотчилик функцияси биринчи даражали аҳамият касб этади. Шу асосда бизнинг тадқиқотимиз ҳар қандай бадиий матнда мавжуд бўлувчи лингвистик ва экстралингвистик воқеликларнинг объектив ва адекват таржима тақдимоти бадиий асар контекстининг уч даражаси, яъни прагматик, когнитив ва лингвомаданий даражаларида амалга оширилувчи когнитив-прагматик таҳлилни жалб қилмаган ҳолда бажарилишининг имконсиз эканлигини кўрсатиб берди.

Бадиий таржима ҳақли равишда инсон когнитив фаолиятининг махсус тури ҳисобланиши мумкин ва ёзма таржиманинг бошқа турларидан жиддий фарқланади. Бадиий таржима нафақат лингвистик билимлар, балки етарли даражадаги кенг энциклопедик билимларни талаб этишини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, таржимон икки матн ўртасидаги, икки маданият ўртасида менталитет ва объектив воқелик идрок этилишига таъсир этувчи “медиатор” (воситачи) ҳисобланади. Таржима қилинадиган бадиий матн ўз-ўзидан муаллифлик ғоясини такрорлаб берувчи иккиламчи ҳақиқат бўлганлиги боис, таржима матни мазкур ҳақиқатнинг иккинчи марта ёрилиб чиқишидан иборат бўлади ва ўзида аслият тили ва таржима тили маданиятининг унсурларини намоён этади. Бунга қўшимча равишда, муаллиф ғоясини очиб беришга бўлган ҳаракат туфайли таржимадаги маданий коннотация таржима когнитив функциясининг аслият тилидаги миллий борлиқ тасвирланишининг унсурларини қамраб олувчи муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун биз бадиий таржимани *аслият бадиий матнида мавжуд бўлган лингвистик ва экстралингвистик воқеликларни адекват қайта тақдим этиши ва таржима тилида аслият тилининг прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда концептуал яҳлитликни қайта тиклашга йўналтирилган когнитив фаолиятнинг махсус тури* деб белгилаймиз.

Бадиий матнга берилган мазкур таърифга таянган ҳолда биз таржима назариясида мавжуд бўлган стратегияларга¹⁰ қўшимча равишда бадиий таржиманинг когнитив-прагматик асосларини тавсифлаб берувчи ва бадиий матннинг максимал даражада тўлиқ адекватлигини таъминлашга қаратилган тўртта стратегияни аниқладик: 1) таржима матни максимал даражада тўлиқ равишда муаллифлик ғояси, ва шунингдек, унинг индивидуал услубини сақлаб қолиши керак (интенционаллик); 2) таржима жараёнида аслият ва таржима матнлари яратилишининг макон ва вақт шартлари (параметрлари)

¹⁰ Wilss W. Translation Strategy, Translation Method and Translation Technique: Towards a Clarification of Three Translational Concepts // Revue de Phonétique Appliquée. – 1983. – С. 143-152;

ҳисобга олинishi зарур; 3) лингвистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий контексларнинг батафсил қайта тақдимоти яратилиши зарур; 4) имплицит ахборотни қайта кодлаштириш ва таржимада уларнинг адекват қайта тақдим этилиши натижасида янги ҳулосавий билимларни (инференциясини) олиш.

Бадий асар таржимасининг сифатига объектив баҳо бериш билан боғлиқ бўлган масалаларни ишлаб чиқиш зарурияти туфайли таржиманинг асосий эквивалентлик ва адекватлик тушунчаларини аниқлаш таржима назарияси ва амалиётининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Тадқиқотда биз эквивалентлик тушунчаси матннинг лингвистик параметрлари мутаносиблигини баҳолашда қўлланилувчи атама эканлиги, адекватлик атамаси эса таржимада матннинг эстетик-концептуал мазмунини, унинг бадий матн тил ва тилдан ташқари параметрлари, шу жумладан коммуникатив-прагматик, когнитив ва маданий омилларини ҳисобга олиш натижасида юзага чиқувчи миллий-маданий хусусиятини сақлаб қолишга йўналтирилган, оптимал вариантдаги таржимага эришишни англатади деган ҳулосага келдик.

Бадий таржима жараёнида имплицит маънолар ифодаланишининг воситаси ҳисобланувчи контекст муҳим аҳамият касб этади. Контекст тушунчаси турли фанлар кесимида талқин этилган ва бу ҳолат унинг чинданда аҳамиятли ва кўп жиҳатли тушунча эканлигидан далолат беради. Аммо таржимашунослик доираларида мазкур атамани моҳиятан тўлдириш талаб этилади, чунки бу атама бадий матн қурилишининг муҳим тузилмавий унсури ҳисобланади. Шу муносабатда биз мазкур атамани аниқлаш ва уни турли ёндошувлар асосида ўқиб ўрганиш юзасидан контекстнинг юздан ортик вариантлардаги таърифлари бўйича таҳлил олиб бордик ва бизнинг фикримизча контекстнинг энг кўп даражалардаги типлари айнан лингвистик, когнитив ва маданий типлар ҳисобланади.

Контекстнинг бадий таржимадаги ўрни ва аҳамиятини куйидаги мисолда кўрсатиб бериш мумкин:

... I'll get you on the blower tomorrow straightaway and tell you where you can find it (Sillitoe A. «The loneliness of the long-distance runner», p. 22)

[1]... я вам сейчас же звякну по телефону и скажу, где ее взять (Силлитоу А.«Одинокий бегун», с.35)

[2]... я позвоню вам на следующий же день и скажу, где вы их можете найти (Силлитоу А. «Одиночество бегуна на длинную дистанцию», с.44)

[3]... я завтра пулей к вам примчусь и скажу, где их можно найти (Силлитоу А. «Одиночество бегуна на длинные дистанции», с.30)

«Blower» лексемаси «to blow» - «дуть (пуфламоқ)» феълидан ҳосил қилинган. Демак, сўзнинг морфологик таҳлили мазкур от (*blow + er*) мана шу ҳаракат билан боғлиқ бўлган мазмунга эга бўлишини таҳмин қилишга имкон беради (сўзма-сўз олганда «пуфлаётган»). Чиндан ҳам рус тили луғатида шу каби таърифга эга бўлган «вентилятор» сўзини топиш мумкин. Бироқ, мазкур гап таржимаси доирасида бу сўзни қўллаш умуман ўринсиз бўлиши ва

берилган маъно сатҳи адекват таржима сифатида мос тушмаслигини айтиш мумкин:

I turned my head around: "Mam," I called out, "get my lawyer on the blower, will you? ... "He was looking at it, an ever-loving fiver, and I could only jabber: "The one thing is to have some real fags because new hoss-tods is always better than stuff that's been rained on and dried, and I know how you feel about not being able to find money because one-and-three's one-and-three in anybody's pocket, and naturally if I see it knocking around I'll get you on the blower tomorrow straightaway and tell you where you can find it."(Sillitoe A. «The loneliness of the long-distance runner», с. 22)

Кенгроқ контекстда олиб қаралганда ушбу сўзнинг маънодоши сифатида «*called out*» (вызывать, звонить, қўнғироқ қилмоқ) иборавий феълини олиш мумкин. Лексикографик манбалар чуқурроқ ўрганилганда инглиз тилида «*on the blower*» ибораси кокни шевасига хос бўлган сленг идиома эканлиги аниқланди. Шунинг учун мазкур контекстда инглиз тилидаги «*get you on the blower*» ибораси рус тилига «я тебе/вам позвоню» (мен сизга қўнғироқ қиламан) деб таржима қилиниши мумкин деган хулосага келамиз. Демак, Р.Райт-Ковалева(1) ва Е.Никифорова(2)лар томонидан таклиф этилган таржималар мазкур идиомани адекват тарзда қайта тиклай олган. С.Алукард(3) томонидан қилинган таржима эса аслият тилидаги маъно ифодасини бузиб қўйган (рус тилида «*позвоню*» ва «*приеду (примчусь)*» феълари турлича ахборот мазмунига эга). Бироқ, биринчи ва иккинчи таржимани солиштирганимизда ҳам аслият ва таржима матнлари ўртасидаги яна бир маъно фарқланишини кузатишимиз мумкин: оригинал матнда муаллиф вақт доирасини аниқ белгилаб берган – *tomorrow straight away* ва бу ҳолат Р.Райт-Ковалева томонидан ноадекват талқин этилган (*сейчас же (ҳозирнинг ўзидаёқ)*). Шу асосда мазкур парча фақатгина Е.Никифорованинг таржимасидагина адекват таржима қилинган деб хулоса қилиш мумкин.

Маълум бир матн таржимасининг бир нечта таржимасидан иборат бўлган амалий материалга таянган ҳолда биз бадий асарларни баҳолаш тавсифларини умумлаштириш мақсадида эквивалентлик ва адекватлик тушунчаларининг маълум фарқларини таҳлил қилдик. Мазкур атамалар таржима назариясида фаол қўлланилишига қарамай, уларнинг таржима сифатини баҳолаш жараёнидаги мақомига нисбатан ягона фикр мавжуд эмас. Биз адекватлик ва эквивалентлик тушунчалари мутлақ тенг мазмунли эмас ва улар бадий таржима назариясида алоҳида ўринни эгаллайди деган фикр тарафдоримиз. Энг асосийси уларнинг тушунчавий худудини аниқ чегаралаб олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотда биз эквивалентлик тушунчасининг матннинг лингвистик параметрлари мутаносиблигини баҳолашда қўлланилувчи атама эканлиги, адекватлик атамаси эса таржимада матннинг эстетик-концептуал мазмунини, унинг бадий матн тил ва тилдан ташқари параметрлари, шу жумладан коммуникатив-прагматик, когнитив ва маданий омилларини ҳисобга олиш натижасида ифодаланувчи миллий-маданий

хусусиятини сақлаб қолишга йўналтирилган, оптимал вариантдаги таржимага эришишни англатади деган хулосага келдик (*Илова 1*).

Диссертациянинг иккинчи боби «**Таржиманинг прагматик асослари**» деб номланади ва унда бадий матннинг прагматик потенциални шакллантирувчи жиҳатлар ва матнни идрок этиш фақатгина муаллифнинг китобхонда маълум бир самара уйғотиш учун қилинган ниятигагина эмас, балки китобхоннинг ўз тажрибасига таянган ҳолда асарга сингдирилган ахборотни қабул қила олиш қобилиятига ҳам боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда асарни қайта тақдим этишда мавжуд бўлган мураккабликлар таҳлил қилинган.

Бадий матн прагматикаси – биринчи навбатда адресант (муаллиф) ва адресат (таржимон/китобхон) ўртасидаги билвосита коммуникация ҳисобланади. Айнан шу фактни таржима жараёнидаги қийинчилик туғдирувчи омил деб аташ мумкин, чунки таржимон фақат матн устида ишлайди ва барча инференциялар аслият тили ва таржима тилининг коммуникатив-прагматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хулосавий билимларни батафсил тақдимот қилиш натижасида чиқарилади. Бадий таржима назарияси учун матннинг прагматик таҳлили нафақат матн устида ишлашда муҳим эканлиги, балки матн яратиш шартларини ўқиб ўрганишда, шунингдек “таржимадан аввал келувчи муаллифнинг нутқий ҳаракатларини интенциялаш ва режалаштиришни шакллантириш жараёнида, таржима билан биргаликда келувчи ёки ундан кейин келувчи яна бир жараён – тақдимот этишда ҳам зарур бўлишини”, яъни муаллифлик ижодининг натижаси ёки тайёр маҳсулоти бўлишини тушуниб етиш асосий омил ҳисобланади.¹¹

Таржимон бир томондан муаллифнинг прагматик интенцияларини (матнда ифодаланган мақсадларини) қайта яратувчи, иккинчи томондан, оригиналнинг ғояларини таржима тилига кўчириб олиб ўтувчи ҳисобланади. Шундай қилиб, имплицатуралар воситасида қайта яратилаётган прагматик контекст таржимадан аввал ўтказилувчи таҳлилнинг илк асоси ҳисобланади ва муаллифнинг мақсади, ибораларнинг контекстуал мазмунининг аниқлаштирилиши ва, табиийки билимлар тузилмаси ва таржима тилининг маданиятини ҳисобга олинган ҳолда ифода этилмаган ахборот хажми адекват тақдим этилган бўлишини талаб этади.

Адабий асарда (хусусан лингвистик контекстан фарқли равишда) прагматик матннинг асосини нутқ актларининг ҳар-хил типлари, стилистик воситалар, шунингдек, матннинг сюжет (воқеий) макони билан иерархик алоқага кириш орқали таржимада матннинг прагматик потенциални қайта тикловчи адекват воситаларни синчиклаб танлаш йўли билан ўз аксини топиши керак бўлган яширин маънони қайта тақдим этувчи контекстуал ва вазиятли-шартли лексемалар ташкил этади.

Интенционалик ёки муаллифнинг прагматик йўналтириши бадий асар прагматик контекстининг ажралмас қисми ҳисобланади. Муаллифлик

¹¹ Неудахина Ю.Н. Когнитивные основания прагматической ориентации текстов художественной литературы в современном английском. Дисс....канд.филол.наук. – Тула, 2001. – с.26.

интенцияси ҳар доим яширин бўлади ва ҳам стилистик воситалар ва усуллар, ҳам китобхон онгида ассоциация туғдирувчи лексемаларнинг маълум тўпламини комбинациялаш орқали қайта тақдим этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда таржимон яширин ахборотни адекват тарзда қайта тақдим этиш мақсадида муаллиф томонидан матнга киритилган ҳар қандай сигналларни назарда тутиши лозим. Прагматик контекст мумкин бўлган стилистик синонимлар қатори ичидан лексик воситаларнигина эмас, балки грамматик қурилмаларни ҳам танлаб олишга, жумладан экспрессив синтактик қурилмалар, масалан, тўлиқ бўлмаган гапларни ҳам танлаб олишга таъсир этади, чунки улар матннинг эмоционал тўйинганлигига таъсир этади ва табиийки, таржиманинг прагматик жиҳатдан адекватлигини таъминлашда иштирок этади.

Бадий асарни қайта яратишда семантик таркиби окказионал мазмуннинг пайдо бўлиши туфайли кенгайиб кетувчи, муаллиф идио-услубининг таркибий қисми ҳисобланувчи концептлар орқали муаллифнинг чуқур маъноларини қайта тақдим этувчи интенционаллик фокуси нуқтаси асосий аҳамият касб этади¹². Юқорида қайд этилган ҳолатни қуйидаги мисолларда батафсилроқ кўриб чиқиш мумкин:

She fired me. I shall never forget her. She believed that God liked people in sail boats much better than He liked people in motor boats. She could not bear to look at a worm. When she saw a worm, she screamed. (Vonnegut К. «Cat's Cradle», p.3)

[1] *Она меня выгнала. Но я ее никогда не забуду. Она верила, что бог гораздо больше любит владельцев яхт, чем владельцев простых моторок. Она видеть не могла червяков. Как увидит червяка, так и завизжит.* (Воннегут К. «Колыбель для кошки», с. 6)

[2] *Она уволила меня. Я никогда не забуду её. Она верила, что люди в парусных лодках нравятся Богу гораздо больше, нежели нравятся Ему люди в лодках моторных. Она не могла вынести вида червяка. Когда она видела червяка, она вопила.* (Воннегут К. «Кошкина люлька», с.3)

Берилган парчада иккита иборани ажратиш мумкин: *people in sail boats* ва *people in motor boats*. *Sail boats* ва *motor boats* лексемаларини ажратган ҳолда таъкидлаш мумкинки, бу сўзларнинг ҳар иккиси “*сувда харакатланиш воситаси*” мазмунини англатади. Бироқ, муаллиф мазкур восита эгасининг ижтимоий мақомига ишора қилган ҳолда контекстни «*She fired me*», «*She could not bear to look at a worm*» иборалари билан кучайтириб мазкур икки мазмунни ўзаро таққослаган. Шунинг учун таржимон зарур прагматик аҳамиятга эга эквивалентларни қидиришга мажбур бўлган. Агар рус тилига сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, *sail – парус, boat – лодка*, яъни *парусник, парусная шлюпка* деб таржима бўлади ва матн прагматикасига мос келмай қолади. Шунинг учун контекстан келиб чиққан ҳолда таржимон Р.Райт-Ковалева рус тилида ўқийдиган китобхонда дабдаба билан боғлиқ бўлувчи ва муаллифлик интенциясини («*обеспеченные люди*») тўлиқ даражада

¹² Торосян М.С. Авторска яинтенциональность как основа моделирования художественной картины мира https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5118

очиб бериш учун зарур бўлувчи –*яхта* сўзини қўллаган ва адекват таржимага ҳамда прагматик самарага эришган. Я.Бирюкованнинг таржимасида эса деярли сўзма-сўз таржима кузатилади, яъни таржимон таржиманинг детонатив даражасини сақлаб қолишга қарор қилган ва шу аснода муаллифнинг прагматик йўналтириганлигига путур етказган ва яширин маънонинг муҳим унсури йўқотилган. Шундай қилиб, аслият матнида *sail boats* лексемаси потенциал китобхоннинг таржимада берилган белгиларни тушуниш даражаси салоҳиятига таянган холда пресуппозициянинг прагматик функциясини амалга оширган ва бу ҳолат таржимада ўз аксини топиши керак эди.

Тадқиқотимиз прагматик контекстнинг асосий таркибий мазмунини вазиятдорлик, интенционаллик, таржимоннинг тил шахсияти ва шунингдек матннинг китобхонга таъсири кабилар ташкил этишини кўрсатиб берди. Вазиятдорлик, одатда макон-вақт муносабатлари (жумладан, матн яратилишининг вақти/жойи ва матн воқеаларининг вақти/жойи) ва муаллиф ва таржимоннинг (таржима шароитларида) муносабатлари билан шартланилади. Таржимоннинг вазифаси имплицатураларни кодсизлаштирган ва пресуппозицияларга таянган холда вазият контекстида мавжуд бўлган муаллифлик интенцияларини аниқлаш ҳисобланади. Бадиий матн таржимонининг тил шахсияти шаклланиши матнда мавжуд бўлган бир қатор омилларга боғлиқ бўлади ва у кўп ҳолларда ёзувчининг индивидуал-муаллифлик услубини бузиш натижасида ноадекват таржима қилинишига сабаб бўлиши мумкин (*Илова 2*).

Бадиий таржимада таржимоннинг тил шахсияти муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланганидек, бадиий таржима – бу оригинал матннинг адекват қайта яратилиши мақсадларидаги назарий ҳошияларга эга бўлиши керак бўлган ижодий ва когнитив фаолиятнинг синергетикаси ҳисобланади. Шунинг учун таржимоннинг тил шахсияти муҳим прагматик омил ҳисобланади ва унинг матндаги иштироки сезилмаслиги керак бўлади. Бироқ, маълум бир матннинг бир қатор таржималарининг қиёсий таҳлили таржимоннинг тил шахсияти конкрет асарнинг матни устида ишлаш жараёнида эмас, балки қуйида келтирилувчи айрим омиллар таъсирида шаклланишини кўрсатиб берди. Таржимон шахсининг “қатнашуви”га мисол сифатида қуйидаги фактни келтириб ўтиш мумкин. Д.Сэлинджер, У.Фолкнер, К.Воннегута, Э.По ва бошқа чет эл ёзувчиларининг асарларини таржима қилган таниқли таржимон Р.Райт-Ковалева ноадбий ифодалар ва очиқ-ойдин жаргонлардан қочгани холда асар қаҳрамонларининг нутқини “юмшатиш”га бўлган интилиш билан фарқланади. Шу тарзда унинг таржимасида айрим қаҳрамонлар (масалан, Д. Сэлинджернинг “Над пропастью во ржи” (“Буғдойзор ичра тубсизлик”) романининг қаҳрамони Холден) ортиқча “идеаллаштирилган” ва таржима билан танишган китобхонда ноадекват фикр уйғотиши мумкин. Қолаверса, таъкидлаш мумкинки, рус тилидаги “важная шишка” фразеологик бирикмаси унинг томонидан турли муаллифларнинг матнларида қўлланилган хар-ҳил иборалар, масалан Д.Сэлинджернинг “Над пропастью во ржи” “Буғдойзор ичра тубсизлик”) романида қўлланилган «*very*

big deal», «*celebrity or something*», «*a big shot*» иборалари, К. Воннегутнинг «Колыбель для кошки» (“Мушукнинг бешиги”) романида қўлланилган «*a big cheese*» иборасининг таржимаси учун қўлланилган.

Тадқиқот доирасида биз таржимоннинг тил шахсияти аслият матни муаллифининг ғояларини қайта етказиб берувчиси сифатида шаклланишига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатдик: прагматик омиллар (муаллифнинг мақсади ва коммуникатив самарасини сақлаб қолиш қобилияти), ижтимоий-маданий омил (ижтимоий ролларни бошқа маданият контекстида қайта яратиш қобилияти), ғоявий омил (маълум давр ва таржима тили мамлакатининг жамоавий ғоявий тамойиллари таъсирини етказиб бериш), когнитив омил (жамоавий билимлар ва жамоа онгида акс этган миллий менталитет ҳамда уларни шахсий тажрибага таянган хода индивидуал талқин этиш қобилияти), лингвомаданиятшунослик омили (таржима тилида борлиқни тасвирлаш билан боғлиқ бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таржимада маданиятни акс эттирувчи ва борлиқнинг миллий тасвири қайта тақдим этувчи махсус лингвистик воқеликларни етказиб бериш қобилияти), лингвокреативлик омили (матннинг концептуал-прагматик аҳамиятини сақлаб қолган ҳолда тил нормаси доираларида фақатгина лексик-стилистик усулларни эмас, балки тил девиациялари, шунингдек, фикрни илгари суриш воситаларини ҳам қайта тақдим этувчи тил бирикмаларини ижодий танлаш орқали борлиқнинг индивидуал-муаллифлик тасвирини қайта шакллантириш қобилияти).

Таржиманинг прагматик жиҳатдан адекват бўлишига бадиий таржимада прагматик контекстни амалга ошириш орқали эришилади. Прагматик контекстнинг адекват қайта шакллантирилиши муаллифлик интенциялари, вазиятдорлик ва китобхонга таъсир этиш шакллари сақлаб қолишга қаратилган комплекс таржима трансформацияларини қўллаш орқали мумкин бўлади. Оригинал матннинг прагматик омилларини етказиб беришда қўлланилувчи трансформацияларни аниқлаш иккита жиҳат билан шартланилади: прагматик бир хиллик (айният) (таржима тилида қайта тақдим этишнинг адекват воситалари мавжудлиги) ва прагматик ўзгартиришлар (таржима тилида прагматик шартланилган воқеликлар йўқ бўлган ҳолатларда зарур бўлувчи трансформациялар тўплами). Прагматик бир хиллик одатда, таржима босқичида муаммолар келтириб чиқармайди, чунки таржима тилида тўлиқ ёки қисман бир хил бўлувчи унсурлар мавжуд бўлади. Аммо прагматик ўзгартиришлар: фонетик (масалан, персонажларнинг талаффуз хусусиятларини қайта шакллантириш), семантик (масалан, персонажнинг ижтимоий мақомини вербаллаштирувчи лексик бирикмаларни шакллантириш) ва грамматик (масалан, муаллиф томонидан персонажнинг ижтимоий мақомини очиб бериш мақсадида киритилган грамматик хатоларни ифодалаш) даражаларда амалга оширилиши мумкин (*Илова 3*).

Учинчи боб “**Бадиий таржиманинг когнитив аспектлари**” деб номланиб, унда когнитив контекстнинг хажмлари, ва шунингдек, унинг тўлиқ очиб берилишига кўмаклашувчи таҳлил методлари билан боғлиқ бўлган

масалалар кўриб чиқилган. Когнитив-прагматик таҳлил нуқтаи назарда биз бадий матнни тўлиқ амалга оширилиши таржиманинг адекватлигига эришишга омил бўлувчи концептуал жиҳатдан яхлит бўлган тузилма деб ҳисоблаймиз.

Бадий асарнинг когнитив контексти фақатгина индивиднинг билими ва ижодий фаолияти натижаси эмас. У ҳам ёзувчининг, ҳам китобхоннинг тажрибаси ва борлиқни кўра олиш қобилиятининг натижаси ҳисобланади. Когнитив контекст матнда чуқур маънолар ҳамда борлиқ ва унинг инсонга таъсири ҳақидаги билимлар тизимини акс эттирувчи ментал курилмалар воситасида тақдим этилган индивидуал-муаллифлик идрокини акс эттиради. Бадий матннинг ўзига хос фарқловчи жиҳатларидан бири имплицитлик эканлигини ҳисобга олган ҳолда таржима жараёнида уларни адекват қайта яратиш мақсадида бадий матннинг когнитив асосларини талқин этиш муаммоси мазкур матнни таҳлил қилиш жараёнидаги талқиний босқичнинг навбатдаги (прагматик босқичдан кейинги). қадами ҳисобланади. Когнитив контекст матннинг рамзлар, концептлар, ментал моделлар ва билимлар тузилмаси шаклида тақдим этилган ва айниқса икки тил ва маданият шароитларида хар доим ҳам универсал бўла олмайдиган концептуал жиҳатдан аҳамиятли бўлган унсурлари атрофида қурилади. Шундай қилиб, бадий асарнинг концептуал жиҳатдаги яхлитлигининг талқин этилиши ва қайта қурилиши бадий таржима адекватлигининг талабларидан бири ҳисобланади.

Когнитив матнни таҳлил ва талқин қилиш жараёнида концепт ва фреймлар муҳим аҳамият касб этади. Биз ўз тадқиқотимизда концептни инсон тажрибасининг тил белгилари востасида объектлашиши мумкин бўлган дискрет бирлиги сифатидаги таърифига таянамиз¹³. Тадқиқотда концептнинг универсал ва миллий ўзига хослик белгилари билан бир қаторда индивидуал-муаллифлик нуқтаи назаридаги борлиқ тасвирини акс эттирувчи шахсга йўналтирилган таркибий унсурларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида, фрейм – бу стереотип вазиятни омиллаштирувчи иерархик ташкилий тузилма ҳисобланади¹⁴. Бироқ, тадқиқот таҳлиллари бадий асарда фрейм тузилмасининг турли вариантга эга бўлиши ва муаллифнинг таржимон тажрибаси билан кесишмаслиги мумкин бўлган индивидуал когнитив тажрибасига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. Демак, таҳлил қилинаётган барча фреймлар намуналарининг бирламчи талқини оригинал матн муаллифининг нуқтаи назарига таяниши керак.

Бадий асарнинг концептуал тасвирини қайта яратишнинг методларидан бири сифатида фрейм-таҳлил ўтказиш орқали когнитив моделлаштиришни кўрсатиб ўтиш мумкин. Тадқиқотимизда А.Sillitoe «The loneliness of a long-distance runner» асари материали асосида индивидуал муаллифлик талқини бўйича «loneliness» фрейми, ва шунингдек, унинг турли вақт доираларида бажарилган таржималарининг учта варианты ўрганилди (Р. Райт-Ковалева

¹³ Соколовский Я.В. Соотношение оригинала и перевода художественного текста: изоморфно-когнитивный подход. Дисс... канд. филол. наук. – Красноярск, 2009. – с.110.

¹⁴ Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную лингвистику. – Тамбов: ТГУ им. Г.Р.Державина, 2014. – с.54.

«Одинокий бегун», 1963 г.; Е. Никифорова «Одиночество бегуна на длинную дистанцию», 2000 г.; С. Алукард «Одиночество бегуна на длинные дистанции», 2016 г.) ва уларнинг қиёсий таҳлили таржиманинг адекватлиги бузилганлиги ҳолатини ва унинг сабаби таржимонларнинг умумий белгиларни билишлари турлича эканлигини кўрсатиб берди (Илова 4).

Фрейм-таҳлил мазкур концептнинг муаллифлик талқинини объектив баҳолаш ва қуйидаги фарқли жиҳатларни ажратишга имкон берди: *одиночество=уход от проблем (ёлғизлик=муаммолардан қутулиш)*, *одиночество=осозанный выбор (ёлғизлик=онгли танлов)*, *одиночество=комфорт, (ёлғизлик=қулайлик)*, *одиночество=свобода, (ёлғизлик=озодлик)*, *противопоставление физического и душевного одиночества (жисмоний ва руҳий ёлғизликни таққослаш)*. Таржиманинг ҳар уч варианты умуман олганда муаллифнинг нуқтаи назарини акс эттирганлигига қарамай, адекватлик бўйича айрим даражаларда бир қатор бузилишлар кузатилди, масалан, қаҳрамоннинг ташқи кўриниши тасвирланишида стилистик регистр асоссиз пасайтирилганлигини кўрсатиш мумкин: аслият матнида «*head*» тўлиқ нейтрал сўзи қўлланилган, аммо таржиманинг вариантларидан бирида (Р.Райт-Ковалевада) ўша номнинг ўзи билан ҳам («голова») сўзлашув нутқига тегишли бўлган ва қолаверса яққол пасайтирилган стилистик тавсифга эга сўзни ҳам учратиш мумкин.

And even when I jog-trot on behind a wood and they can't see me anymore they know my sweeping-brush head will bob along that hedge-top in an hour's time and that I'll report to the bloke on the gate. (Sillitoe A. «The loneliness of the long-distance runner», с.3)

[1] *Даже когда я топая за лесом, откуда меня не видать, они все равно знают, что ровно через час моя щетинистая башка замелькает над изгородью и я отпрапортую вахтеру, что явился.* (Силлитоу А. «Одинокий бегун», с. 8)

[2] *И даже когда я бегу трусцой среди деревьев, а не по лугу, и им меня не видно, - они точно знают, что через час моя коротко остриженная голова покажется возле изгороди, и я подойду к парню, который стоит на воротах* (Силлитоу А. «Одиночество бегуна на длинную дистанцию», с.7)

[3] *И даже когда я мерно бегу за леском, и они меня не видят, они знают, что через час моя стриженная голова покажется за живой изгородью и я доложусь тину, стоящему на воротах.* (Силлитоу А. «Одиночество бегуна на длинные дистанции», с.2)

Қилинган эътироз принципиал жиҳатдан тўғри, чунки бу ибора муаллиф томонидан бош қаҳрамон ўзини ўзи баҳоловчи тавсифи сифатида, яъни китобхонга муаллифнинг ўз қаҳрамонига бўлган муносабатини яширин тарзда таъкидлаб берувчи тавсиф сифатида қўлланилган. Стилистик регистрни ўзгартириш орқали таржимон китобхонга аслият матнининг китобхони каби идрок қилиш имкониятини бермаган. Қолаверса, мазкур ахборот китобхоннинг когнитив билимларига таянади ва аслият матнида ҳам, таржима матнида ҳам турли билимлар тузилмасини юзага чиқаради: оригинал матнда –

бу билимларнинг эксплицит (апприор – тажрибада текширилмаган) тузилмаси ҳисобланади, берилган таржима вариантыда эса имплицит ва индуктив билимлар тузилмаси юзага чиқарилган. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, таржиманинг когнитив даражасида адекватлик яққол бузилган. Қолган икки таржимон (2 ва 3 мисолдаги) «head» лексемаси даражасида стилистик адекватликни сақлаб қолишган, бироқ, Е.Никифорова (2) томонидан таклиф этилган вариантда мазмунни қайта яратиш яхшироқ кўринади, чунки «*my sweeping-brush head*» яхлит образи идрок қилиш мазмунида рус тилидаги «*коротко остриженная голова*» иборасига мос тушади.

Аслият матнини таржимада талқин этиш босқичидаги фрейм-тахлил таржимон томонидан лексемаларни тўғри танланиши ва маъно ҳамда эмоционал урғуларни тўғри жойлаштирилишига кўмаклашади. Таржиманинг ҳар уч варианты, умуман олганда муаллифнинг нуқтаи назарини акс эттирганлигига қарамай, адекватлик бўйича айрим даражаларда бир қатор бузилишлар кузатилган. Шундай қилиб, тил материалининг когнитив семантика нуқтаи назаридаги таҳлили “аслият ва таржимада объектлаштирилувчи фрейм намуналарининг конвенционал намуналарга тегишли бўлмаслиги (чунки тадқиқот натижалари кўрсатиб берганидек концептнинг фрейм тузилмаси девиациялари) муаллифнинг эстетик мақсадли йўналтираётганлигини кўрсатиб туриши”¹⁵, таржима жарёнида муаллифнинг субъектив маънолари ҳисобга олиниши зарурлиги туфайли фақатгина энциклопедик билимлар тузилмаларига эмас, балки индивидуал-муаллифлик борлиқ тасвирига таянган ҳолда кўшимча хулосавий билимларни аниқлаштиришнинг чуқур маъноларини ўрнатишга имкон яратишини исботлашга кўмаклашади.

Аслият матннинг концептуал таҳлили марказий концептларни аниқлаштириш ва уларни асарнинг когнитив маконида вербаллаштириш учун муҳимдир. Таҳлил давомида биз концептнинг ўзаги (номинатив майдон) ва ташқи қисми (ассоциатив майдон) ни ўзаро ажратдик ва бу ҳолат мазкур концептни қайта тақдим этувчи лексемаларни актуаллаштиришга имкон яратди. Қиёсий таҳлилнинг кейинги босқичида аслият матнининг танланган лексемалари ва уларнинг таржималари ўртасида таржимонлар томонидан концептуал-аҳамиятли ахборот ва инферент (хулосавий) билимлар эътиборга олинмаганлиги, таржима матнларида имплицит (яширин) маъно адекват тақдим этилмаганлигини аниқлаштирадик. Шундай қилиб, имплицит ахборотнинг экспликаторлари ҳисобланиши мумкин бўлган айрим лексемларнинг концепти муҳитини қуриш бадий асар таржима таҳлилининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Таржима матнидаги концепт вербаллаштирувчиларини танлашда лексемаларнинг ассоциатив потенциалини ҳисобга олиниши керак ва зарур ҳолларда лексик-грамматик даражада алмаштиришларни амалга ошириш керак. Демак, таржимада

¹⁵ Соколовский Я.В. Соотношение оригинала и перевода художественного текста: изоморфно-когнитивный подход. Дисс...канд.филол.наук. – Красноярск, 2009. – с.204.

когнитив контекстни тиклаш чоғида ўз ичига модуляция (маъно ривожланиши), транспозиция (стилистик регистрининг алмашилиши), адаптация (предмет-образ унсурининг алмаштирилиши), эксплицитация (имплицит ахборотни очиб бериш учун аниқлаштиришларни киритиш) кабиларни қамраб олувчи комплекс мантикий-семантик трансформацияларни ҳисобга олиш зарур.

Когнитив контекст муаммолари тўпламини чуқур англаш асносида интертекстуаллик бадиий асар когнитив контекстининг муҳим компонентигина эмас, балки таржиманинг адекватлигига эришишдаги сезиларли тўсиқ ҳам бўлиши мумкинлиги исботланди. Демак, интертекстуал алоқалар талқини матнда аллюзиялар ва интертекстлар воситасида амалга оширилувчи чуқур имплицит ахборот ҳамда муаллифнинг мақсадини тушунишга таъсир этади. Мисол сифатида биз К.Воннегутнинг “Синяя борода” асаридаги аллюзия таржимасини таҳлил қилдик:

I said to her the last time she asked, which was five minutes ago: “Look: think about something else, anything else. I am Bluebeard, and my studio is my forbidden chamber as far as you’re concerned” (Vonnegut K. “Bluebeard”, c.25)

Последний раз, когда она о них спросила, пять минут назад, я сказал:

- Послушайте, думайте о чем-нибудь другом, о чем угодно. Для вас я – Синяя Борода, и это моя запрещенная комната, поняли? (Воннегут К. «Синяя борода», с.20)

Бу парчада муаллиф томонидан махсус равишда курсив билан ажратиб кўрсатилган «*forbidden chamber*» ибораси эътиборни тортади. Юқорида таъкидлаганимиздек, романнинг номланишидаги аллюзия китобхонни “таъқиқланган хона” асосий рамзлардан бири бўлган етарлича машхур асарга шама қилади. Бироқ, ўхшаш матндан фарқли равишда “...*the reare nobodies in the barn*” умуман хона ҳам эмас, балки картошкани сақлайдиган омборхона холос ва у вақт ўтиши билан бош қаҳрамоннинг бузиб қўйилган суратларини сақлаш жойига айланган. Лингвистик нуқтаи назардан биз “*room*” ўрнига “*chamber*” қўлланилганлиги билан қизикдик. Асарнинг лексик қатламини таҳлил қилиб чиққач биз “*chamber*” сўзи *sumptuous* (роскошный), *locked* (запертый) лексемалари билан кучайтирилган холда тўртта вазиятда – “яширин хона”ни тасвирлашда, ва шунингдек, қаҳрамон олти соат мобайнида қамаб қўйилган ҳашаматли апартаментлар тилга олинганда қўлланилганлигини кузатдик:

The chamber was a guest room ... Imprisoning me there for six hours was subtle sadism of a high order indeed. (Vonnegut K. “Bluebeard”, c.45)

... эта [комната] была для гостей ... На шесть часов заключить меня здесь было утонченным садизмом самой высшей пробы. (Воннегут К., «Синяя борода», с.38)

Шундай қилиб, қуйидагича ҳулоса қилиш мумкин: мазкур контекстда «*chamber*» сўзининг қўлланилиши тасодифий эмас, луғат талқинларидан келиб чиққан холда таъкидлаш мумкинки, бу сўз “эскирган” мазмунидаги стилистик белгига эга, ва шунингдек “қамаб қўйиш” мазмуни билан

омиллашувчи қандайдир салбий кичик матнга эга ва шу сабабли иккинчи мисолда тўғри қўлланилган. Бошқача қилиб атганда, мазкур асарда «*chamber*» сўзи бир томондан намуна матн билан, яна бир томондан эса бевосита луғатдаги талқин ва стилистик белги билан мураккаблаштирилган когнитив юкламага эга деб ҳулоса қилиш мумкин. Демак, оригинал матннинг интертекстуал алоқаларини ҳисобга олган ҳолда «*forbidden chamber*» иборасининг адекват таржимаси учун рус тилида «*маленькая каморка*» ибораси қўлланилиши керак эди ва бу ҳолатни намуна матннинг русча вариантыда кўришимиз мумкин.

Интертекстуал унсурларни қайта тиклашда таржиманинг асосийвазифаси уларни аниқлаштириш ва талқин этишдан ташқари намуна матнини ўрнатиш ва матн таржимасида ҳавола қилинувчи ҳолатларни киргизиш ҳисобланади. Интертекстуал киритмаларни қайта тақдим этишнинг мазкур стратегияси уларнинг тўғридан тўғри таржимаси аслият матнидаги каби коммуникатив функцияга асосланганлиги билан ўзини кўпроқ даражада оқлайди (китобхонни икки асар ўртасидаги интертекстуал алоқалар ҳақида ўйлашига туртки бўлади).

Диссертация тадқиқотининг тўртинчи боби – “**Бадий таржиманинг лингвомаданий жиҳатлари**”да бадий таржимада бадий матннинг аксиологик табиатини ҳисобга олган ҳолда борлиқ тасвирининг кадриятларини қайта тақдим этиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўрилган.

Тадқиқотчи олимлар Д.Ашурова ва М.Галиеваларнинг фикрича, борлиқ тасвирининг тил ва миллий тасвирлари ўртасидаги фарқлар нисбий ва амалий нуқтаи назардан универсал ёки миллий ўзига хос билим ёки тажрибани белгиловчи жиҳатларда мутаносиб бўлишлари мумкин.¹⁶ Албатта, ҳар бир тил миллий ўзига хос сўзлар, иборалар, фразеологик бирикмалар ва хатто грамматик қурилмалар воситасида миллий тасвирни акс эттиради ва шунинг учун бизнинг фикримизча, хусусан борлиқнинг тил тасвирига киритилган ва шунингдек тилда қайд этилган ўзига хос миллий тасвирига киритилган лингвистик воқеликлар ўртасида аниқ чегарани ўрнатиш мумкин эмас. Қолаверса, С.Г.Тер-Минасова таъкидлаганидек, “тил ва маданият ўртасидаги коммуникация жараёнида фикрловчи одам, яъни тилнинг ташувчиси туради”¹⁷ ва мазкур ҳолат ҳам бадий матнни тадқиқ этишда борлиқнинг кўрсатиб ўтилган тасвирлари ўртасида аниқ чегаралар ўрнатиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Яна бир жиҳат – таржимашунослик нуқтаи назаридан бадий матн таҳлили батафсил ахборотнинг мазмунининг ўзи тушунилишини эмас, балки унинг конкрет матндаги аҳамиятини ҳам аниқлаш кераклигини талаб этади. Қандай бўлмасин, тобора бу каби тадқиқотларнинг тил тизимларини қиёсий таҳлил қилинишидан тил реал фаолият юритишининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш ва унинг билан мувофиқлашувчи маданий кадриятлар, тил тафаккури, тил/лингвомаданий компетенциялар ва бошқаларга қатъий қайта йўналиш олиши зарурлиги хис қилинаётганлигини тан олмаслик

¹⁶ Ashurova D.U., Galieva M.R. Cultural Linguistics. – Т.: VneshInvestProm, 2019. – с. 71.

¹⁷ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: «Слово», 2000. – с. 40

мумкин эмас. Борлик тасвирининг қадриятлари қайта тикланиши муаммоларини қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

Finally, though, I got undressed and got in bed. I felt like praying or something, when I was in bed, but I couldn't do it. I can't always pray when I feel like it. In the first place, I'm sort of an atheist. I like Jesus and all, but I don't care too much for most of the other stuff in the Bible. Take the Disciples, for instance. They annoy the hell out of me, if you want to know the truth. They were all right after Jesus was dead and all, but while He was alive, they were about as much use to Him as a hole in the head. All they did was keep letting Him down. I like almost anybody in the Bible better than the Disciples. If you want to know the truth, the guy I like best in the Bible, next to Jesus, was that lunatic and all, that lived in the tombs and kept cutting himself with stones. I like him ten times as much as the Disciples, that poor bastard. (Salinger J. «The catcher in the rye»,с.55)

[1] *Наконец я все-таки разделся и лег. Лег и подумал: помолиться, что ли? Но ничего не вышло. Не могу я молиться, даже когда мне хочется. Во-первых, я отчасти атеист. Христос мне, в общем, нравится, но вся **остальная муть** в Библии — не особенно. Взять, например, апостолов. Меня они, по правде говоря, раздражают до чертиков. Конечно, когда Христос умер, они вели себя ничего, но пока он жил, ему от них было пользы, как от дыры в башке. Все время они его подводили. Мне в Библии меньше всего нравятся эти апостолы. Сказать по правде, после Христа я больше всего люблю в Библии этого чудачка, который жил в пещере и все время царапал себя камнями и так далее. Я его, дурака несчастного, люблю в десять раз больше, чем всех этих апостолов. (Сэлинджер Д. «Над пропастью во ржи»)*

[2] *Наконец, в общем, я разделся и залез в постель. Хотел помолиться или как-то, когда улегся, только не смог. Я не всегда могу молиться, если хочется. Во-первых, я вроде как атеист. Иисус мне в струю и всяко-разно, а прочая **фигня** в Библии по большей части – **фуфло**. Взять Апостолов, к примеру. Сказать вам правду, они меня раздражают, как не знаю кто. Когда Иисус помер и **всяко-разно**, они еще ничего, а пока был жив, они Ему столько же пользы приносили, что дырка в башке. Только **подставляли Его** по-всякому. Мне в Библии почти все нравятся больше Апостолов. Если по правде, так больше всех после Иисуса в Библии мне нравится этот псих и всяко-разно, который в склепах жил и все камнями себя побивал. Мне этот гад в десять раз больше Апостолов нравится, **бедолага**. (Сэлинджер Д. «Ловец на хлебном поле»)*

[3] *В конце концов разделся да лёг спать. Уже в кровати вроде как потянуло прочесть молитву, всё такое, но не сумел. Вот прям охота, а получается не всегда. Во-первых, вроде как неверующий. Я люблю Иисуса, всё такое, но большинство **остальной мутоты** в Писании мне по фигу. Взять хоть Его учеников. Честно говоря, адски раздражают. Нет, после смерти Иисуса ещё куда ни шло, но пока Он жил, пользы Ему от них **выгорало как от козла молока**. **Всю дорогу** только вредили. В Писании мне почти все люди больше по нраву, чем Ученики. По правде сказать, следом за Иисусом мне из*

Писания больше всего лёг на душу чокнутый такой чувак, живший в гробницах, резавший себя камнями. Я дурачка несчастного люблю в десять раз сильнее, нежели Учеников. (Салинджер Д. «Обрыв на краю ржаного поля детства»)

Мазкур парча диний лексика билан бойитилган ва бош қаҳрамоннинг динга нисбатан бўлган индивидуал муносабати билан биргаликда миллий тасвири ҳам акс эттиради деб таъкидлаш мумкин. Аслият матнида Исо пайғамбарнинг исмини алмаштираётган олмошлар бош ҳарфлар билан ёзилганлиги Худога нисбатан бўлган андазавий ҳурмат ва ҳаяжонли муносабатни акс эттирганлигига эътибор қаратиш зарур. Инглиз тили маданияти учун диндорлик – ажралмас хусусият ҳисобланади. Масалан, америкаликлар овқатланиш ва ухлаш олдидан ибодат қилишади ва келтирилган парчада биз мазкур жиҳат тасвирланган вазиятни кўришимиз мумкин. Шундай қилиб, М.Немцов ва С.Маховларнинг таржималарида (2 ва 3 мисоллар) диний қонунларнинг миллий хусусиятлари адекват тақдим этилган, Р.Райт-Ковалеванинг таржимасида (1-мисол) бундай вазият кузатилмаганлигини таъкидлаш мумкин. Бироқ, бу ерда аниқлик киритиш зарурки, Р.Райт-Ковалеванинг таржимаси 1950-йилларда Совет Иттифоқида бажарилган, яъни динга нисбатан муносабат кескин салбий бўлган даврда бажарилган ва табиийки, Худога нисбатан ҳурмат ва ҳаяжонли муносабат ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Шундай қилиб, мазкур мисол ҳам ғоявий кўрсатмалар таржималар яратилишига таъсир этганлигини яққол намойиш этиб берган. Бу парчада динга бўлган индивидуал муносабат миллий-хусусиятга таққосланганлиги таъкидланганлигини кўришимиз мумкин. оригинал матнда бу муносабат эксплицит тарзда билдирилган (*It's sort of an atheist*) ва бутун контекст давомида унга амал қилинган. Бироқ, персонажнинг динга бўлган кескин салбий муносабатига қарамай таржимонлар М.Немцов ва С.Маховлар қуйи лексикани қўллаган ҳолда мазкур негативни янада кучайтиришган (*фигня, фуфло, муть, подставляли, мутота, как от козла молока, всю дорогу*). Шундай қилиб, борлиқнинг индивидуал тасвирини қайта тиклаш нуқтаи назарида Р.Райт-Ковалеванинг таржимаси вариантини адекватроқ деб ҳисоблаш мумкин.

Бадиий таржиманинг лингвомаданий жиҳатлари борлиқнинг миллий тасвирини қайта тақдим этувчи ва китобхонни халқнинг маданияти ва турмуш тарзининг хусусиятлари билан таништирувчи маданий ахборотни акс эттирибгина қолмайди, балки бадиий асарнинг концептуал жиҳатдан яқлитлигини қайта яратилишига ҳам таъсир этади ва шунинг учун бадиий матннинг лингвомаданий тавсифларини бадиий таржиманинг когнитив асосларига киритилиши мумкин. Бадиий матн маданий нуқтаи назардан ўзига ҳос воқелиқдан иборат, чунки у реал воқелиқка нисбатан батамом алоҳида ҳақиқатни тасвирлайди, зеро у бутун матн бўйлаб маълум “калитлар”ни қўйиб чиқувчи муаллиф томонидан яратилади. Бу “калитлар” матн дунёсини маълум маданиятга киритишга имкон берувчи маркерлардан иборатдир. Ишора сифатида маданиятнинг маълум моделига қилинган яққол ҳаволалар ёки

одатда маълум бир маданиятнинг моделлари билан ассоциацияланувчи харакатлар, муомалалар, ўзига хос жиҳатларга бўлган имплицит (яширин) белгилар қўлланилиши мумкин.¹⁸

Реалияларнинг (моддий маданиятнинг предмет ва воқеликларини, этник-миллий хусусиятлар, урф-одат, удумлар, шунингдек тарихий фактлар ва жараёнларни англатувчи ва одатда бошқа тилларда эквиваленти бўлмаган лексемалар) туб маъносида маданий-хусусиятли лексика бадий асарнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва таржимада экстралингвистик ва лингвистик даражалардаги муаммо ҳисобланади. Реалияларни таржима қилиш муаммоси одатда, борлиқнинг миллий тасвирлари бир-бирига мос келмаётганлиги ва бунинг натижасида кўрсатиб ўтилган воқеликларн таржима тилида номловчи лексик воситалар йўқлиги ҳақида гап борганда юзага чиқади. Масалан:

I always knew this, naturally, because I was in Remand Homes as well and the boys there told me a lot about their brothers in Borstal, but it was only touch and go then, like kittens, like boxing gloves, like dobbie. (Sillitoe А. «The loneliness of the long-distance runner», с.8)

[1] *Правда, я и раньше об этом знал, я же побывал в разных исправительных колониях, а там мне ребята рассказывали, их братья сидели в Борстале, но тогда я думал – детская это игра, вроде пятнашек, или как котята возятся, или для практики ребята в перчатках боксируют.* (Силлитоеу А. «Одинокий бегун», с.16)

[2] *Конечно, инстинктивно я всегда это понимал, потому что побывал в доме предварительного заключения для малолеток, и ребята, которые там сидели, много чего рассказали мне о своих братьях, сидевших в колонии.* (Силлитоеу А. «Одиночество бегуна на длинную дистанцию», с. 18)

[3] *Вообще-то я всегда это знал, потому что успел побывать в доме предварительного заключения для малолетних, и там ребята рассказали мне много чего о братьях, сидящих в колонии. Но тогда это было не всерьез, как бы понарошку, вроде кошачьей возни или драки в боксерских перчатках.* (Силлитоеу А. «Одиночество бегуна на длинные дистанции», с.9)

Ювенил пенитенционар тизим билан таниш бўлган инглиз тили реципиенти учун «Remand Homes» концептига қўйилган имплицит ахборот батамом тушунарли бўлади ва муаллиф мазкур муассасага нисбатан қўшимча тушунтиришлар бериши шарт эмас. Аммо рус тили китобхонида Реманд Хуомс номи олдиндан қамоққа олиб қўйиш муасасаси эканлиги ҳақидаги тасаввур уйғота олмайди ва қолаверса, мазкур муассасага жойлаштирилувчи махбусларнинг ёш тоифасини ҳеч қанақасига ақс эттирмайди. Шунинг учун, концептуал ахборотни етказиб бериш учун тавирий таржимани қўллаш жуда тўғри эканлиги ва лингвомаданий даражада адекватликка эришишга кўмаклашишни алоҳида таъкидлаш зарур. шунингдек, юқоридаги таржималарда иккита таржимон (Е.Никифорова [2] ва С.Алукард [3]) айнан

¹⁸ Лукин Д.С. Лингвокультурные особенности перевода средств выразительности с языка оригинала на русский язык (на материале произведений Дж. Роулинг «Гарри Поттер»). Дисс...канд.филол.наук. – М., 2016. – с.29.

шу трансформациядан фойдаланганлиги, Р.Райт-Ковалева [1] эса мазкур трансформациядан фойдаланишда концептуал ахборотни барибир бузган: ахлоқ тузатиш колониясига суд ҳукми ва жинойт содир этганликда айбдорлигини тан олгандан кейин жойлаштирилади (жинойтчи), олдиндан қамоққа олиш изоляторига эса айбсизлар (гумон қилинаётганлар) ҳам вақтинча қамалиши мумкин.

Бироқ, реалиялар фақатгина халқнинг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирмайди. Бадиий матнда улар лингвистик тежамкорлик воситалари бўлиши ҳам мумкин, яъни маълум бир реалияни матнга киритишда муаллиф китобхон томонидан ушбу реалияга хос бўлган ҳошиявий ахборотни тушунишига умид қилади (масалан, қаҳрамоннинг келиб чиқиши, унинг маълумот даражаси, ёши ва ҳоказолар). Шунинг учун реалияларни таржима қилиш жараёнида трансформацияларни (шу жумладан транскрипция ва транслитерацияларни) қўллашнинг анъанавий тавсиялари когнитив ёндошув нуқтаи назаридан имплицит ахборотни тушириб қолдирган ҳолда таржима адекватлиги бузилишининг сабаби бўлиб ҳисобланишини аниқлаштириб олиш зарур. Яна бир томондан, бадиий таржима жараёнида маданий ахборонинг нивелирланиши кузатилиши ҳам мумкин, бироқ, мазкур воқелик синчиклаб ўтказилган таҳлил ва маданий аҳамиятнинг қуйи даражасини таъкидлаш орқали оқланиб юборилади (одатда, узунлик, хажм, оғирлик ва ҳоказолар ўлчамлари ҳақида гап борганда). Реалияларнинг бадиий матндаги концептуал аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан уларнинг кўпроқ даражада адекват таржима қилинишининг усуллари сифатида қуйидаги трансформацияларни кўрсатиб ўтиш мумкин: таржимонлик изоҳи билан келтирилган транскрипция/транслитерациялар, адаптация, функционал алмаштириш, тасвирий таржима, конкретлаштириш/генерализациялаш (умумлаштириш), гипо-гиперонимик таржима.

Бадиий матнда фразеологик бирикмалар борлиқнинг миллий тасвири билан бир қаторда индивидуал-муаллифлик тасвири ҳам тақдим этиши мумкин. Қолаверса айрим фразеологик бирикмалар умуминсоний тасаввур ва теварак атроф идрок этилишини юзага чиқариш воситалари (вербализаторлари) бўлгани ҳолда борлиқнинг универсал тасвирини ҳам тақдим эта олади. Шу муносабатда бадиий таржима назарияси доираларида фразеологик бирикмалар шартли равишда иккита типга ажратилиши мумкин: 1) эквивалент бўлган фразеологик бирикмалар билан таржима қилинувчи фразеологик бирикмалар (хар икки лингвомаданиятда қайд этилган, универсал ФБ); 2) изоҳли таржима қилинувчи фразеологик бириклар (миллий ўзига хос, ёхуд индивидуал-муаллифлик ФБ). Бироқ, бадиий таржиманинг ижодий потенциалини ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан фразеологик бирикмаларнинг учинчи типи ҳам белгиланди: аслият матни таржимасида фразеологизмлар билан етказиб берилувчи одатий бирикмалар. Айрим муаллифлар томонидан мазкур тип кўп ҳолларда (таржиманинг адекват бирикмаларини танлаш имконияти бўлмаслиги натижасида) компенсация

усули сифатида қўлланилган ва бу микроконтекстнинг умумий стилистик бўёғи сақланиб қолишига ёрдам берган.

Асардаги миллатнинг тил онги, идрокини акс эттирувчи ва жамоатчилик онгида теварак атроф ҳақиқати идрок этилишини қайта тақдим этувчи маданий ўзига хос унсурлари лингвомаданий концептлар деб ҳисобланади. Бироқ, бадиий матнда концепт индивидуал-муаллифлик тушунасининг таркибий қисмларига эга бўла олади ва улар матнда иккиламчи номлаш воситалари ёрдамида амалга оширилиши ва бу аснода умумжамовий ментал маконни акс эттирмаслиги мумкин. Жумладан, аслият матни (К.Воннегутнинг 2BR02B асари) ва унинг иккита таржима варианты (А.Аракелов ва Е.Ельцова томонидан бажарилган) қиёсий таҳлили лингвомаданий концептлар («Life» ва «Death») индивидуал-муаллифлик коннотациясига айлаганлиги ва бу ҳолат таржимада ҳам акс этиши зарурлигини кўрсатиб берди. Таҳлил натижасида шак шубҳасиз маданий концепт ҳисобланувчи “*life*” и “*death*” концептлари кўшимча коннотацияларга эга бўлганлиги ва индивидуал-муаллифлик зехн натижасида тил белгилари сифатида қайта тақдим этилганлиги аниқланди. Ҳусусан, «*Life*» концепти *gift from heaven* (дар – тухфа), *smth granted* (данность – мавжудлик), *present* (подарок – совға), *duty*, *burden*, *senseless existence* (обязанность, бремя, бессмысленное существование – мажбурият, юк, беъмани мавжуд бўлиш), *struggle* (борьба – кураш), *travelling* (путешествие – саёхат), *space* (пространство – макон, фазо, бўшлиқ), *riddle / puzzle* (загадка, головоломка – топишмоқ, бошқотирма), *right* (право – ҳуқуқ) каби кўшимча коннотациялар билан қайта тақдим этилган. «*Death*» концепти эса куйидаги индивидуал-муаллифлик талқинларга эга бўлди: *self-expression* (самовыражение – ўз фикри), *independent decision making* (самостоятельное и добровольное принятие решения – қарорнинг мустақил ва ихтиёрий қабул қилиниши), *delive rance of a burden* (избавление от бремени – юкдан ҳлос бўлиш), *the only way to give ane wlife* (единственный способ дать новую жизнь – янги ҳаёт беришнинг ягона усули), *refusalt of ollow the rules of society* (отказ следовать правилам социума – социум қоидаларига риоя қилишни рад этиш), *no fear* (отсутствие страха – кўркмаслик). Мазкур асар таржимасининг ҳар икки варианты таҳлили асосида биз индивидуал-муаллифлик концептининг иккита таркибий қисми “*life*” (“*present*” ва “*travelling*”) ва битта таркибий қисми “*death*” (“*independent decision making*”) концептаси таржимада адекват қайта тақдим қилинмаган ва таржимада аслият когнитив контексти қайта яратилишининг адекватлигига путур етганлигини кўрдик (*Иловалар 5-6*).

Демак, таржимон бутун матн давомида концептуал ахборот амалга оширилишини ҳисобга олиши ва лингвистик ва бирликлар ва экстралингвистик воқеликлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни фақатгина лексик-стилистик ҳамда фактик ахборотнинг адекват етказилиши мақсадларида эмас, балки муаллиф томонидан оригинал матнда қурилган концептуал маконни сақлаб қолиш мақсадларида ҳам аниқлаштириши керак.

Яна марта таъкидлаш зарурки, бадиий асарнинг концептуал майдони муаллифнинг яқка тартибда дунёни ҳис қилиши таъсири остида шаклланади

ва умумий қабул қилинган ассоциатив алоқалардан фарқланиши мумкин, демак, таржимон конкрет асарнинг концептуал тасвирини қайта тиклаш жараёнида ўзига хос “тушунчавий” стереотипларни енгиб ўтишни билиши зарур. Таржимада концептуал маъноларни адекват қайта яратилишининг мавжуд бўлмаслиги умумийликда бадиий таржимада концептуал яхлитликни қайта яратишга салбий таъсир этади.

ХУЛОСА

1. Бадиий матннинг бир нечта қатламлардан (ахборот-концептуал, эстетик-экспрессив, образли, прагматик, когнитив, лингвомаданий) шакллантирилган табиати унинг қуйидаги фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатишга имкон яратади: а) эстетик аҳамиятлилик ва стилистик потенциал, б) юқори даражадаги имплицитлик ва образлилик, в) коммуникатив-прагматик йўналганлик, г) субъектни баҳолаш билан ажралиб турувчи аксиологик ва антропоцентрик табиат, д) матнни тузилмалаш даражасида амалга оширилувчи ва китобхоннинг индивидуал когнитив тажрибасига таянувчи маълум сигналлар ва маркерлар (кўрсатгич, йўналтиргичлар) воситасида экспликацияланувчи (юзага чиқувчи) концептуал тузилма, е) контекстнинг турли типлари (лингвистик, прагматик, когнитив, лингвомаданий типлар) воситасида очиб берилувчи тил белгиларининг контекстуал боғлиқлиги, ж) ассоциативлиги (сабаблашувчанлиги, омиллашувчанлиги, тасаввур этилувчанлиги), з) ижтимоий ва ғоявий шартланилганлиги, и) кўп маънолик ва энтропияни (ахборот хажмининг юқорилигини) келтириб чиқарувчи тақдимот вариантдорлиги.

